

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

456 Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи (рўйхат рақами 2754, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасидаги «ХХТУТ» қисқартмаси «ИФУТ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2017 йил 1 январдан кучга киради.

Бош директор

А. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 21 сентябрь,
561-сон